

Даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида

ҳал қилув қарори

4-1107-2301/1591-сонли иқтисодий иш

ОҲАНГАРОН ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Оҳангарон шаҳри

2023 йил 10 июль

Оҳангарон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Б.Б.Тўраев раислигида, судья ёрдамчиси А.Ўктамов котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси даъвогар “Toshkent suv ta`minoti” МЧЖ манфаатида, жавобгар “Ohangaron qurilish material savdo” МЧЖдан 2 064 316 сўм асосий қарз, 371 574 сўм пеняни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини даъвогар вакили Ш.Тўхтабаев (2023 йил 02 июндаги 04-04/2488-сонли ишончнома асосида), (жавобгар вакили иштирокисиз) иштирокида ўз биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

“Toshkent suv ta`minoti” МЧЖ Оҳангарон шаҳар филиали (матнда таъминотчи деб юритилади) ҳамда “Ohangaron qurilish material savdo” МЧЖ (матнда абонент деб юритилади) ўртасида ичимлик суви етказиб бериш ва оқова сувларни чиқариш хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузилган.

Шартнома шартларига кўра таъминотчи абонентнинг буюртмасига мувофиқ унга белгиланган миқдорда ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сувларини қабул қилишни таъминлаш, жавобгар эса ушбу сув ва хизматларни қабул қилиб олиш ва уларинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Мазкур шартномага асосан даъвогар ичимлик суви ва оқова сувларини қабул қилишни таъминлаган лекин жавобгар ўзига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаган, оқибатда 2023 йил 30 апрель куни ҳолатига 2 064 316 сўм қарздорлик юзага келган.

Даъвогар ушбу қарз тўланмаган тақдирда жавобгарга нисбатан даъво қўзғатилиши ҳақида маълум қилган. Бироқ, жавобгар талабномани жавобсиз қолдирган ва шу сабабли даъвогар судга мурожаат қилиб, жавобгардан 2 064 316 сўм асосий қарз, 371 574 сўм пеняни ундиришни сўраган.



Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабларини қўллаб-қувватлаб, низо жавобгар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида келиб чиққанлигини, суд мажлиси кунига қадар қарздорлик бартараф этилмаганлигини таъкидлаб, бу ҳақдаги маълумотномани судга тақдим қилиб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили суд мажлисида иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда ИПК деб юритилади) 128-моддасида, суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчисини суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланишлиги белгиланган. Жавобгарга даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим даъво аризада кўрсатилган манзил бўйича юборилган бўлсада, ушбу ажрим жавобгарга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимнинг маълумотномаси билан қайтарилган.

Суд, ИПКнинг 128, 170-моддаларга асосланиб, ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, даъвогар вакилининг важларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни ва суд ҳаражатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан кейин матнда ФК деб юритилади) 8, 234-моддаларига кўра, мажбурият шартномадан, зиён етказишдан ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари истеъмолчиларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 478-моддаси 2-қисмига асосан, агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф (ФКнинг 6-параграфи 468-478-моддалар) қоидалари қўлланади.

ФКнинг 468-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш



хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 477-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, “Toshkent suv ta`minoti” МЧЖ Оҳангарон шаҳар филиали ҳамда “Ohangaron qurilish material savdo” МЧЖ ўртасида 2021 йил 07 январда ичимлик суви етказиб бериш ва оқова сувларни чиқариш хизматларини кўрсатиш бўйича 325/02-сонли шартнома тузилган.

Шартнома шартларига кўра таъминотчи абонентнинг буюртмасига мувофиқ унга белгиланган миқдорда ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сувларини қабул қилишни таъминлаш, жавобгар эса ушбу сув ва хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

ФКнинг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида”ги 2007 йил 15 июндаги 161-сон қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги, қарор далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги ИПКнинг 69 — 75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

ИПКнинг 66-моддасининг биринчи қисмига кўра иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари



(тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Аниқланишича шартномага асосан даъвогар ўз мажбуриятларини тўлиқ ва лозим даражада бажариб, жавобгарга сув етказиб берган ва хизмат кўрсатган. Жавобгар томонидан тўловлар амалга оширилмаган, натижада 2 064 316 сўмлик қарз тўланмасдан қолган.

Суд даъвогар томонидан талаб этилган 2 064 316 сўм асосий қарз иш материалларидаги ҳужжатлар, истеъмолчиларичимлик сув таъминоти ва оқова сув тармоқларини хатловдан ўтказиш далолатномалари, ўзаро солиштириш-таққослаш далолатномаси, даъвогарнинг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг жавобгардан асосий қарздорликни ундириш талабини қаноатлантиришни лозим топди.

Шунингдек, даъвогар сув етказиб бериб, оқова сувларини қабул қилиш ҳақи жавобгар томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги учун шартноманинг 6.7 бандига асосланиб, ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4%, аммо кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳисоблаб, 371 574 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Суд даъвогарнинг мазкур талабини асосли деб ҳисоблайди. Чунки, жавобгар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаган, шартномаларда белгиланган муддат бузилган ҳолда тўловлар амалга оширилмаган. Шунингдек, даъвонинг пеня ундириш қисмини рад этиш ёки уни камайтириш учун қонуний асослар мавжуд эмас. Ушбу ҳолат ишдаги мавжуд далиллар билан ўз тасдиғини топган. Шунга кўра даъвогарнинг мазкур талаби тўлиқ қаноатлантирилиши лозим.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Мазкур ҳолатда ундирилиши лозим бўлган 330 000 сўм давлат божи ва олдиндан тўлаб чиқилган 33 000 почта харажати жавобгар зиммасига юклатилиши лозим.

Баён этилганларга кўра, суд даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни, ИПКнинг 118-моддаси талабларидан келиб чиқиб, почта харажатларини жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига ундиришни, давлат божини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга ҳамда ИПКнинг 68, 118, 128, 170, 176-179, 186-моддалари, ФКнинг 236, 333, 468-478-моддаларини қўллаб, суд



Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Ohangaron qurilish material savdo” МЧЖ ҳисобидан:

- даъвогар “Toshkent suv ta`minoti” МЧЖ ҳисобига 2 064 316 сўм асосий қарз, 371 574 сўм пеня ва 33 000 сўм почта харажатлари;

- Республика бюджетига 330 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда Оҳангарон туманлараро иқтисодий суди орқали Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) бериши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Б.Тўраев

